Шеробод тумани ҳокими ва сектор раҳбарлари Учёғоч ва Пошхурт маҳалласида сайёр қабул ўтказди

Унда туман ҳокими ўринбосарлари, сектор котиби, тумандаги тегишли корхона ва ташкилот раҳбарлари, маҳалла бешлиги ҳамда фуқаролар ва ёшлар қатнашдилар.

Қабулда фуқаролар томонидан солиқ, кадастр, йўл ва бошқа соҳаларда 13 та мурожаатлар келиб тушди. Шундан 4 та мурожаатга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Қолган 9 та мурожаатга вақт ва ўрганиш талаб этилганлиги учун белгиланган муддатда ҳал этиш бўйича мутасадди идора ва ташкилотлар масъулларига тегишли топшириқлар берилди ва ижроси назоратга олинди.